





• Иқтисодий ва илҳот

# РАҚАМЛИ АЛОҚА

## ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ИЛҒОР ТИЗИМИ

Бугунги кунда ахборотлаштиришнинг миллий тизимини шакллантириш, иқтисодий ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида замонавий ахборот технологиялари, компьютер техникаси ва телекоммуникация воситаларини оммавий равишда жорий этиш кенг тус олиб, улардан фойдаланиш ва фуқароларнинг ахборотга ортиб бораётган талаб-эҳтиёжларини янада тўлиқроқ қондириш, тобора муҳим аҳамият касб этапти. Уз-ўзидан ушбу тармоқда оқсак даражадаги рақобат ҳам вужудга келмоқда.

Бу борада «Ўзи» Ўзбекистон — Индонезия қўшма корхонасининг Қарши шаҳридаги филиали жамоаси ибратли ишларга қўл урмоқда. Жамоа аслида Қарши шаҳри аҳолиси ва мулкчилик шаклидан қатъи назар барча ҳўжалик субъектларига телекоммуникация хизмати кўрсатади. Тезкор уяли алоқа компаниялари билан рақобатлаша оладиган ишлаб чиқаришни жорий этиш ва янги технологияларни яратиш йўлида изланишлар олиб борилади. Энг муҳими, телекоммуникациянинг жаҳон стандартларига мос, сўнгги ютуқларидан унумли фойдаланишга эътибор қаратилади. Филиалнинг асосий турлари маҳаллий ва халқаро телефон алоқаси, телеграф ва симли радиозвонилардан иборат. Бундан ташқари уяли телефон алоқаси ва интернет хизмати

кўрсатувчи мавжуд компания ҳамда фирмалар билан ҳамкорликда иш юритилаяпти. Қадимий Қаршида қўл кучи билан бошқариладиган дастлабки телефон бундан 80 йиллар аввал, яъни 1925 йилда ишга туширилган. Қашқадарёликлардан чиққан биринчи монтаж уста Аҳмад Халилов 1930 йилда ана шу станцияда фаолият бошлаган. Кейинчалик 1931-1935 йилларда Тошкент — Самарқанд — Когон — Қарши трассаси бўйлаб телеграф алоқаси бошланди. 1977 йилда шаҳарлараро телефон станцияси, 1978-1981 йилларда узунлиги 147 километр узунликда Қарши — Ғуззор — Қашмиш — Шаҳрисабз ва 86 километр масофага қўзилган Қарши — Косон — Муборак йўналиши бўйлаб 300 каналли аппаратуралар ишга туширилди.

Айниқса, Мустақиллик йилларида телекоммуникация ва алоқа тизими тез суръатларда ривожланди. Ўзбекистон Республикаси Вазирилари Маҳкамасининг «Ўзбекистон телекоммуникация тармоғини 2010 йилгача бўлган даврда реконструкция қилиш ва ривожлантириш дастури тўғрисида»ги қарори алоқа тизимига туб бурилиш ясади. Хусусан, Қарши шаҳрида телефон хизмати борасида ҳал этилиши зарур бўлган муаммолар кўп эди. Вазирилари Маҳкамасининг қарори бу борадаги масалалар

ечимида муҳим роль ўйнади. Аввало 30-40 йил аввал ўрнатилган эски жиҳозлар Индонезиянинг «Бакири» компанияси инвестицияси ёрдамида замонавий янги телефон станцияларига алмаштирилди. Шаҳар телефон станциялари бирлаштирилиб, «Ўзи — Қарши» деган ном олди ва «Ўзбектелеком Интернетшл» — Ўзбекистон — Индонезия қўшма корхонасининг филиали бўлиб қолди.

Дастлаб 2001 йилнинг май ойида маҳаллий алоқачи мутахассислардан иборат гуруҳ тузилди. Улар Германиянинг «Алкател» фирмаси томонидан олиб келинган 12700 рақамли АТСларни ишга туширишди. Қарши шаҳрида 17,5 километр га оптик-толали кабеллар ётқизирилиб, рақамли узатиш тизимларига уланди. Шаҳарнинг Алоқа уйи, 6-, 7- ва «Пахтазор» даҳаларида 2048 рақамга, «Спутник» қўғонидида 1000, «Водник» даҳасида эса 3500 рақамга мўлжалланган электрон АТСлар хизмат кўрсата бошланди. Шаҳар телефон тармоғи 23,5 минггага ўсди.

2006 йилнинг 9 ойи давомида Қарши шаҳрининг Жайхун, Насаф, Ўзбекистон, Мустақиллик қўчалари кенгайтирилиши муносабати билан улардан ўнлаш алоқа линиялари, телефон қувурлари қайта қурилди. Эски шаҳарнинг Насаф қўчасида 5 км. Жайхун қўчасида 3 км. Мустақиллик шох-

қўчасида 4 км. ва Ўзбекистон қўчасидаги 7 км. масофадаги хаво ва ер ости линия кабел алоқа иншоотлари, таъмирланди. Улардаги 120 дона ер ости телефон қудуғи қўчалар сатҳига мослаб ўрнатилди. Шаҳарнинг Аэропорт мавзесида телефон станцияси ўрнатиш учун Словения давлатининг «Iskratele» компанияси билан шартнома тузилиб, у ердан 500 рақамли электрон АТС келтирилди. Аэропорт худудидидаги 10 та кўп қаватли уй ва ўша атрофдаги корхоналар тўла телефонлаштирилиб, 512 дона янги телефон нўқтаси яратилди. Махтумқули ва Темирийўли маҳаллаларида яшовчи аҳоли хонадонлари ҳам телефон хизматига уланди.

«227-ЭАТС» сизими 616 рақамга оширилди. Бу ердаги линиянинг кабел ҳўжалигини 300 жуфтга кенгайтириш учун Шиббаева қўчасини кесиб ўтувчи ер ости телефон қувурларини ўтказиш ишлари охирига етказилиб, ТПП-300х2 маркали кабел тортилди. 2 та РШ-600х2 русумли тарқатув шкафлари ўрнатилди ва 8 та кўп қаватли уйга тармоқ кабеллар тортилди, телефон қўчалари ўрнатилди.

Ўзбекистон Республикасида алоқа воситаларини 2010 йилгача ривожлантириш миллий дастурига асосан шаҳардаги эски русумдаги телефон станцияларини тўлиқ рақамли станцияларга алмаштириш

мақсадида 2006 йилнинг апрель ойида 18000 рақамга мўлжалланган 7 та электрон телефон станциясини сотиб олиш учун Словения давлатининг «Iskratele» компанияси билан шартнома тузилиб, филиалдаги эски русумли 23-, 25-АТСлар ва Шайхали қўғони АТСини реконструкция қилиш бўйича ишлар бошланди.

2006 йилнинг апрель-май ойлари мобайнида Амир Темир қўчасида эски 25-АТСни янги станцияга алмаштириш учун бино қуриш ишлари бошланди. Қурилиш ишлари жуда кичка мuddатда, яъни атиги 2 ой давомида бажарилди. Иншоот ишга тушиши билан бинонинг ўзида замонавий Интернет кафе, сўзлашувлар маскани ва мижозлардан абонент тўловларини қабул қилувчи кассалар ишга туширилди.

Команда, Бўстон, Қўғонга маҳаллаларида яшайдиган аҳолининг телефон хизматига бўлган эҳтиёжини қондириш учун телефон станциялари ўрнатишга эришилди. Шаҳарлараро сўзлашув маскани ва мижозлардан абонент тўловларини қабул қилувчи замонавий алоқа бинолари тўлиқ таъмирдан чиқарилди.

Абонентларни янги станцияларга кичка мuddатларда қайта улаш бўйича шу йилнинг сентябрь ойида филиалда чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Абонентларни янги станцияларга улаш ишлари

қўшма корхона раҳбарияти назоратига олинди.

Хозирда эски 25-АТС абонентлари тўлиқ янги рақамли станцияларга улаб бўлиниб, 23-АТС абонентларини эса янги рақамли станцияларга улаш ишлари ниятисига етказилмоқда.

Рақамли янги ЭАТСларни белгиланган мuddатларда ўрнатиш, сошлаш, синов ишларини мuddатидида бажариш борасида филиалнинг «Алкател» ЭАТС етакчи мурхандиси Абдуқаҳор Дўстқўбиров, электр таъминот бўлими бошлиғи Ёдгор Қосимов, қурилиш ва таъмирлаш бригадаси бошлиғи Шокир Эшматов, АТСлар участка бошлиқлари Холмукул Йўлдошев, Эшмўмин Холмуродов, Баҳром Шўқуров ва АТСлар кросслари электромеханикалари Раҳима Шаронова, Муҳаббат Салоҳиддинова, Раъно Шаронова, Мархабо Маҳматмуродова, Замира Ҳакимовалар муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Хозир Қарши шаҳрида 14 та шаҳарлараро сўзлашув шохобчаси ва 20 дан зиёд интернет кафелар аҳолига сифатли хизмат кўрсатмоқда.

**Шоҳидар МАРҲУБИБОВ,**  
**Мирбохтиёр МИРҒАЙИЕВ,**  
**«Ўзбекистон овози»**  
**мухбирлари**



## БОЙИТИЛГАН ПЛУТОНИЙ ТОПИЛДИ




Эроннинг ядро чиқиндиларини йўқ қилиш фабрикаларидан бирида ядро қуроли ишлаб чиқариш учун зарур бўлган бойитилган плутоний ва уран излари топилди. Халқаро атом энергияси бўйича агентлиги (МАГАТЭ) томонидан тайёрланган маърузада ушбу маълумотлар қайд этилган, дейилади «Associated Press» ахборот агентлиги хабарида.

Маъруза кейинги ҳафта Венада бўладиган МАГАТЭ конференциясида эълон қилинади. МАГАТЭ экспертлари Эронда урани бойитиш бўйича ишлар давом эттирилётганини таъкидлаб, расмий Техрондан бунга тушунтириш беришни талаб қилишмоқда. Бундан ташқари, Эроннинг ядро дастурини текшириш чоғида улар МАГАТЭ мутахассислари билан ҳамкорлик қилишни хошлаётгани ҳақида ҳам тўхталиб ўтишди.

Шуни таъкидлаш лозимки, Эрон президенти Маҳмуд Аҳмадинажот Техроннинг янги ядро дастури ҳақида эълон қилди. Унинг айтишича, келгуси йил 30 мартда 60 минг гизли центрифугдан иборат каскад ишга туширилади. Бу урани кенг саноат микёсида бойитиш имконини яратади.

## «РОССИЯДАН ГАЗ ОЛМАЙМИЗ»



Грузия президенти Михаил Саакашвили Европарламентнинг матбуот анжуманида сўзга чиқиб, «Биз Россиянинг минг куб метр газини учун 230 доллар тўламаймиз. Биз бунга тайёр эмасмиз, негаки, бу тижорат баҳосида эмас. Бизнинг қўшниларимиз бир куб метрга 65 доллардан, бошқалар эса 110 ва 130 доллардан тўласини Россияга қўшни бўла туриб Грузия келгуси йилдан 230 доллардан тўласини. Ундан қура Россиядан газ олмай қўя қоламиз» дея баёнот берди. Унинг айтишича, эҳтиёжни бошқа қўшни республикалардан олинандиган газ ҳисобига қондириш мумкин. Бу йил республикага электр энергияси импорт қилинмаганини, республика ўзини ўзи қоплаганини алоҳида таъкидлади.

Маълумки, жорий йил охиригача газнинг минг куб метрини 110 доллардан Грузияга Россия етказиб беради. Келгуси йил учун газ баҳоси хали белгиланмаган, лекин «Газпром» газ нархини ошириши мумкинлиги ҳақида оғоҳлантирган, дейилади «Ведомости» газетаси хабарида.

## БУШ ПУТИН БИЛАН «ВНУКОВО-2»ДА УЧРАШДИ



АҚШ президенти Жорж Буш Ханойда бўладиган Осиё-Тинч океани иқтисодий форуми ҳамдўстлиги саммитига кетаётиб, самолётда Ёниги қўйиш учун Москванинг «Внуково-2» аэропортига қўнди. Аэропортда Россия президенти Владимир Путин билан бир соатлик тушлик дастурхонидида учрашди. Икки давлат бошлиқлари саммитда имзоланиши кўтилган Россиянинг Жаҳон савдо ташкилотига қўшилиши бўйича АҚШ билан ҳамкорлик протоколи, Ироқдаги вазият, Эроннинг ядро дастури юзасидан фикрлашди.

## ҲАРОРАТ КўТАРИЛМОҚДА

Хитойнинг Атроф-муҳит ва ривожланиш бўйича халқаро ҳамкорлик кенгаши маърузасида айтилишича, 2030 йилга бориб Хитойда ўртача йиллик ҳарорат 1,7 даражага, 2050 йилда эса 2,2 даражага кўтариларкан. Статистик маълумотларда қайд этилишича, кейинги 50 йил давомида Хитойда ҳарорат дўимий равишда кўтарилиб борган. Жумладан, ҳар 10 йилда мамлакат шарқи ва шимоли-шарқидида ўртача 0,4-0,8 даражага кўтарилган. Бунинг оқибатлари эса хозирдан сезилмоқда, яъни ёгин-сочинлар камайиб бормоқда, натижада мамлакат дарёларида сув сатҳи пасайиб кетди. Хитой дарёлари учун асосий сув манбалари бўлиши Цинхай — Тибет тоғ тизимларидаги музликлар эса йилга ўртача 7 фоизга қисқармоқда.

Олимларнинг илмий баҳоратларига қўра, музликлар эриши натижасида аввалига дарёларда сув сатҳи кўтарилади, кейин эса камайиб боради ва охири-

оқибат қурғоқчилик бошланади, ернинг қўлланиш даражаси тезлашиб, қўмли бўронлар юзга келиши мумкин. Ҳароратнинг кўтарилиши аввало шимоли-шарқий ва шимоли-ғарбий Хитойда ичимлик сув танқислигини келтириб чиқаради. Шу йилнинг ўзидеяк 18 миллион киши ичимлик сув муаммосига дуч келди.

Ҳўш, бу муаммонинг олдини олиш учун нима қилиш керак, деган савол туғилиши табиий. Олимлар бунинг жавобини қуйидагича баён этдилар: завод-фабрикалар транспорт воситаларидан афроф-муҳитга чиқариладиган газларини, яъни углерод икки оксидини камайитириш энг самарали йўлдир. Шунда Хитойда ёгингарчилик камайидади, дейди Бутунхитой иқлим марказининг бош директори Дун Ванцза.

Дарвоқе, афроф-муҳитга углерод икки оксидини чиқариш бўйича Хитой АҚШдан сўнг иккинчи ўринда туради.

• Қарор ва ижро

# ХИЗМАТ КўРСАТИШ ВА СЕРВИС

соҳасидаги илҳотлар аҳоли турмуш фаровонлиги юксалишида муҳим аҳамиятга эга

Мустақиллик йилларида мамлакат микёсида хизмат кўрсатиш ва сервис тармоғини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб келинапти. Кейинги беш йил ичида унинг ялли ички маҳсулот таркибидидаги улуши 38,5 фоиздан ошгани, хусусан, транспорт ва алоқа тармоқлари бўйича хизмат кўрсатиш ҳажми 1,5 баравар, сўғурта хизматлари — 5, лизинг операциялари қарийб — 6, аудит-торлик хизмати кўрсатиш (пул билан ҳисобланганда) 9 марта ўсгани шундан далолат беради. Шу билан бирга бугунги кунда мазкур тармоқни ривожлантириш борасида қатор жиддий камчиликлар ҳам мавжудлигидан қўз юмиб бўлмайдми. Масалан, вилоятнинг айрим туманларида аҳолига маийши ва пуллик хизмат кўрсатиш аҳоли қонкурсис қолмоқда.

Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисида»ги қарори (2006 йил 17 апрель)га мувофиқ тармоқда тадбиркорлар фаолиги янада қўчайтирилди. Бунинг учун қўлай шароитлар яратилиб, соҳага имтиёзли кредитлар ажратилди. Хизмат кўрсатаётган юридик шахслар жорий йилнинг 1 апрелидан бошлаб уч йил мuddатга даромад (фойда) ва ягона солиқлар тўлови тўлашдан озод этилган. Таълим соҳасидаги хизматлар бўйича компьютерда ишлашга ўргатиш хизмати ҳам мазкур қарорга қўра, тўловлардан озод этилган. Шу боис, корхона йилнинг I-II чорақлари давомида 126,9 минг сўмлик ягона солиқ тўловидан имтиёз олиш ҳўқуқига эга бўлди. Эндиликда бу маблағ корхонанинг молиявий ресурсларини тўлдириш ўз фаолиятини кенгайтириш, иш усулларини сифатини ошириш, янги турдаги компьютер технологияларини сотиб олиш учун сарф қилишига имконият яратади.

Бундан ташқари 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўлган аҳоли сонини 1,6 марта қўпайтиришга, тадбиркорларнинг ялли ички маҳсулотдаги хизматлар улуши 49 фоизга етказилишига олиб бориши, шаксиз. Шунингдек, қишлоқ жойларида коммунал-маийши уй-жойларни таъмирлаш, қуриш, сувдан фойдаланиш, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари тайёрлаш ва машина-трактор паркларини соҳасидаги хизматлар ҳажми ҳамда турлари ҳам ошади. Юридик, консалтинг, банк, молия, сўғурта, лизинг ва баҳолаш каби янги истиқболли хизмат турлари жадал ривожланади. Мамлакатимиз корхоналарининг халқаро

бозордаги хизматлари ва уларнинг сифатини ошириш асосида хизматлар экспорти масаласи ҳар томонлама қўллаб-қувватланади. Масалан, Фарғона шаҳрида рўйхатдан ўтказилган «QUBVO» кичик корхонаси 1998 йилдан буён фаолият кўрсатиб келади. Корхонанинг асосий фаолияти — қурилиш ишларини ташкил этиш бўлсада, у бошқа фаолият турлари билан ҳам фаол шўғуланади: чеварлик, парда тикиш ва компьютерга ўқитиш хизматларини амалга оширади.

Кичик корхона томонидан хозирги кунда вилоятнинг мактаб ўқувчилари, олий ва ўрта махсус ўқув юртлири талабалари, ёшлар ҳамда ишчи-хизматчиларни компьютерга ўқитиш хизматлари амалга оширилмоқда. Хозир бу ерда оператор ва дастури оператор йўналишларида ўқув курслари ташкил этилган. Ўқувни маалаки мутахассислар олиб боришмоқда. Оддий бир мисол: корхона компьютерга ўқитиш бўйича 2006 йилнинг I чорағида 319,6 минг сўмлик хизматлар кўрсатиб, 41,5 минг сўмлик ягона солиқ тўлови тўлаган. Шу йилнинг 1 апрелидан бошлаб эса 3 йил мuddатга даромад (фойда) ва ягона солиқлар тўлови тўлашдан озод этилган. Таълим соҳасидаги хизматлар бўйича компьютерда ишлашга ўргатиш хизмати ҳам мазкур қарорга қўра, тўловлардан озод этилган. Шу боис, корхона йилнинг I-II чорақлари давомида 126,9 минг сўмлик ягона солиқ тўловидан имтиёз олиш ҳўқуқига эга бўлди. Эндиликда бу маблағ корхонанинг молиявий ресурсларини тўлдириш ўз фаолиятини кенгайтириш, иш усулларини сифатини ошириш, янги турдаги компьютер технологияларини сотиб олиш учун сарф қилишига имконият яратади.

**Қобилжон ШОКИРОВ,**  
**Фарғона вилояти ДСБ**  
**бошлиғи,**  
**Элдор ИСМОИЛОВ,**  
**ДСБ Матбуот хизмати**  
**ҳодими**

## «ЧИНОЗ МАТЛУБОТ САВДО» МЧЖ ТУГАТУВ БОШҚАРУВИ МАЪЪЛМУ ҚИЛАДИ!

Тошкент вилояти Хўжалик судининг 2006 йил 27 февралдаги 11-0622/372-сонли иши билан ҳал қилувчи қарорига асосан банкрот деб топилган «Чиноз матлубот савдо» МЧЖга қарашли бўлган қуйидаги кўчмас мулклар бўйича очиқ оферта эълон қилинади:

- Идора биноси (Чиноз т., Пахта маркази)  
**Бошланғич баҳоси — 2 000 000 сўм.**
- 1-сонли дўкон (Чиноз т., Олмазор к., Самарқанд қўч.)  
**Бошланғич баҳоси — 26 704 402,2 сўм.**
- 7-сонли дўкон (Чиноз т., Йўлтушган ҚФЙ.)  
**Бошланғич баҳоси — 3 008 901,1 сўм.**
- 9-сонли дўкон (Чиноз т., Йўлтушган ҚФЙ.)  
**Бошланғич баҳоси — 2 096 139 сўм.**
- 11-сонли дўкон (Чиноз т., Чиноз ҚФЙ, Сутбўлоқ бўл.)  
**Бошланғич баҳоси — 1 967 715,9 сўм.**
- 18-сонли дўкон (Чиноз т., Туркистон ҚФЙ, С.Раҳимов ш/х)  
**Бошланғич баҳоси — 1 690 790,9 сўм.**
- 19-сонли дўкон (Чиноз т., Иттифок ҚФЙ.)  
**Бошланғич баҳоси — 1 356 975,9 сўм.**
- 20-сонли дўкон (Чиноз т., Иттифок ҚФЙ.)  
**Бошланғич баҳоси — 1 974 608 сўм.**
- 21-сонли дўкон (Чиноз т., Эски Тошкент ҚФЙ.)  
**Бошланғич баҳоси — 3 832 773,3 сўм.**
- 23-сонли дўкон — (Чиноз т., Эски Тошкент ҚФЙ.)  
**Бошланғич баҳоси — 1 236 884, 7 сўм.**
- 22-сонли дўкон (Чиноз т., Эски Тошкент ҚФЙ.)  
**Бошланғич баҳоси — 3 779 689,4 сўм.**
- 25-сонли дўкон (Чиноз т., Эски Тошкент ҚФЙ, Т.Охўнова ш/х)  
**Бошланғич баҳоси — 3 258 213,7 сўм.**
- 26-сонли дўкон (Чиноз т., Ислохот ҚФЙ.)  
**Бошланғич баҳоси — 6 000 000 сўм.**
- 27-сонли дўкон (Чиноз т., Ислохот ҚФЙ.)  
**Бошланғич баҳоси — 3 045 331,5 сўм.**
- 30-сонли дўкон (Чиноз т., Эски Тошкент ҚФЙ, А.Темир ш/х)  
**Бошланғич баҳоси — 2 792 387,5 сўм.**
- 35-сонли дўкон (Чиноз т., Эшонобод ш/х)  
**Бошланғич баҳоси — 2 242 999,5 сўм.**
- 31-сонли дўкон (Чиноз т., Эски Тошкент ҚФЙ, А.Темир ш/х)  
**Бошланғич баҳоси — 4 228 223,9 сўм.**
- 24-сонли дўкон (Чиноз т., Эски Тошкент ҚФЙ.)  
**Бошланғич баҳоси — 2 232 433 сўм.**
- 16-сонли дўкон (Чиноз т., Туркистон ҚФЙ.)  
**Бошланғич баҳоси — 2 487 918,2 сўм.**
- 29-сонли дўкон (Чиноз т., Ислохот ҚФЙ, Навоий ш/х)  
**Бошланғич баҳоси — 1 490 647,2 сўм.**
- 32-сонли дўкон (Чиноз т., Эски Тошкент ҚФЙ.)  
**Бошланғич баҳоси — 3 273 037,1 сўм.**
- 17-сонли дўкон (Чиноз т., Олмазор қўғони.)  
**Бошланғич баҳоси — 2 600 000 сўм.**

Очиқ офертада жисмоний ҳамда юридик шахслар иштирок этиши мумкин. Энг юқори нархни таклиф этган шахс билан олди-сотди шартномаси тузилади. Аризалар оферта эълон қилинган кундан бошлаб бир ой мuddат ичида қабул қилинади. Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилларга мурожаат қилишингиз мумкин:

**«Чиноз матлубот савдо» МЧЖ тугатув бошқаруви: Тошкент вилояти, Чиноз тумани, Олмазор қўғони, Ойбек кўчаси, 3-уй. Телефонлар: (99871) 128-59-82, 398-47-47, факс: 148-11-52.**  
**«Kimoshdi savdolari agentligi» МЧЖ: Тошкент шаҳри, С.Раҳимов тумани, Қора-Қамиш 2/4 даҳаси, М.Ўрзобоев кўчаси 1-А уй, республика Кўчмас мулк биржаси биноси, 2-қават, 207-хона. Тел/факс: (99871) 399-80-23.**



## Тендерная комиссия ГАЖК «Ўзбекистон темир йўллари» объявляет тендер № 8 на 2006 год

на приобретение рельсов магистральных железнодорожных Р-65 П1 К76Ф (М76Ф)-25-0 (без отверстий) в количестве 10 000 тонн с поставкой согласно графика (1-2 квартал 2007 года).

За тендерной документацией обращаться по адресу: г.Ташкент, ул.Т.Шевченко, 7, ГАЖК «Ўзбекистон темир йўллари», Управление «Темирйўленилги-таъмин», комната 410. Тел.: 138-85-70, 138-84-72, 138-86-34. Заявки на участие в тендере принимаются в течении 30 дней со дня опубликования в средствах массовой информации.



Биз билган ва билмаган тарих

КЎХНА УРГАНЧНИНГ ЎТМИШДАГИ ШУХРАТИ

ГУРГАНЧ (ҚАДИМГИ УРГАНЧ) ХОРАЗМШОХЛАР ДАВРИДА ЙИРИК МАЪМУРИЙ, ИҚТИСОДИЙ ВА МАДАНИЙ МАРКАЗ СИФАТИДА БУТУН ШАРҚ ОЛАМИГА ДОНГ ТАРАТИБ, ЎЗ ТАРИХИДА МИСЛИ КЎРИЛМАГАН ШУХРАТГА ЭРИШГАНДИ

Ўзбек давлатчилиги ўзининг қадим илдиэларига эга. Улардан бири, миллоддан аввалги VII-VI асрларда Урта Осиёда биринчилар қаторида қабилалар биришаруви ва харбий-демократия принциплари асосида ташкил топган «Катта Хоразм» давлати бўлса, марказлашган Хоразмшохлар давлати XI-XII ва XIII аср бошида қадим давлатчилигимиз тарихида юксак даражага кўтарилди.

Салжукчилар давлатининг Хоразмдаги ноиб (Хоразм 1034 йилда салжукларга қарам бўлади) Ануштегиннинг ўғли Кутбиддин Мухаммад (1097-1127) тахтга ўтириб, буюк хоразмшохлар сулоласига асос солиди ҳамда шу билан хоразмшохлар-ануштегинлар давлати тарихи бошланди. Хоразмнинг ўз мустақиллиги учун кураши эса XII аср иккинчи чорагидан бошланиб, бу курашлар Кутбиддин Мухаммаднинг ўғли Ала ад-Дин Отсиз (1127-1156) номи билан боғлиқ. Хоразм шохи Отсиз салжукчилар султони Санжар билан узоқ давом этган курашдан сўнг Хоразмни тўла мустақил қилишга эришди.

Ала ад-Дин Такаш (1172-1200) ва унинг ўғли Ала ад-Дин Мухаммад (1200-1220) даврида Хоразмшохлар давлатининг харбий қудрати мустақамланди, иқтисодий ва маданий тараққиёт юксалиб, катта ҳудудни эгаллаган давлатга айланади. Ушбу империя Шарқий Осиёнинг каттагина ҳудудини ўз ичига олган бўлиб, у Ала ад-Дин Мухаммад даврида шимоли-ғарбий ва ғарбий чегараси Орол ва

Каспий денгизи соҳилларидан; жануби-ғарби Ироқ; жануби-шарқи Ғазна вилоятидан, шимоли-шарқий чегараси Егитсув ва Дашти Қипчоқдан ўтган эди. Шундай қилиб, Хоразмшохлар давлати Мовароуннаҳр, Ироқ, Мозандорон, Адран, Озарбайжон, Ширван, Карман, Ғазна каби жами 400 тача шаҳар ва вилоятни ўз ичига олади.

Бу даврда бепоён ҳудуднинг ягона маркази биришаруви мамлакатда ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг фаоллашуви, шаҳарларнинг кенгайишига, хунармандчилик ва савдонинг ривожланишига олиб келади. Хоразм халқари савдонинг йирик марказларидан бирига айланади. Гурганчда урта халқаро йўл туташган бўлиб, шаҳар ҳар тарафдан келган савдогарлар тўпландиган жой бўлган. Бу ерда кўп қарвонсаройлар, савдо дўконлари мавжуд бўлиб, уларда хизмат кўрсатадиган, озиқ-овқат билан таъминладиган, бозор учун маҳсулот ишлаб чиқарадиган кўп қарвонсаройлар фаолият кўрсатган. Шу жиҳатдан ҳам Гурганч аҳолиси кўп, иқтисодий жиҳатдан бақувват йирик шаҳар бўлган.

Археологлар Шоҳсанам қалъаси (Урганчнинг жанубида, Тошхуваздан 90 км. жануби-ғарбда) харобаларидан XII-XIII асрларга оид шиша ва маданий тараққиёт юксалиб, катта ҳудудни эгаллаган давлатга айланади. Ушбу империя Шарқий Осиёнинг каттагина ҳудудини ўз ичига олган бўлиб, у Ала ад-Дин Мухаммад даврида шимоли-ғарбий ва ғарбий чегараси Орол ва

лаб буюк хоразмшохлар ҳукмронлик қилган даврда мамлакат иқтисодиётида юксалишлар кузатилади. Шоҳсанам, Эмуқшир, Говурқалъа, Девқалъа, Қалъалиқир каби қадимий шаҳар ва қалъалар яна қайтадан жонланади. Шимолийқалъа (Гурганчнинг жануби-ғарбидан) барпо этилади.

Ушбу даврда келиб Хоразмда ишлаб чиқариш ва маданият юқори даражага кўтарилди. Араб тарихчиси Ёқут ал-Ҳамавий (XII-XIII аср) Хоразмни гуллаб-яшнаган ғўзал ўлкага айланганлигини тасвирлаб, шундай ёзади: «Мен у ерда 1219 йили борган эдим, ҳеч қаерда бундай гажува ва яшанган ўлкани кўрмаганман, қишлоқлари қатор тўшган... Улканнинг қишлоқ жойларида парваришланмаган, нообод жойини топиш қийин. Яшил дархазорлар, айниқса, гужуму тут кўп... Қишлоқлардан ўтиб борган одам билан бозорда юрган одамни сира фарқ қилмайси... Хоразмнинг деярлик ҳамма шаҳарларида дўкон-расталарга бой бозорлар бор, бозори бўлмаган қишлоқ камдан-камдир.»

Хоразм ҳақида батафсил маълумот берган ал-Муқаддасий (X аср) «Бу жуда кўп шаҳарларга эга бўлган, ёппасига обод, кенг ва мухташам бир ўлкадир. Сон-саноксиз уй-жой, тулаш боғлар, дархазорлар ва экинзорлар бор, мева мўл, тижорат аҳлига мол-ҳол бемалол» деб ёзади. Шунингдек, Журжонияда (Урганчнинг яна бир қадимий номи) ал-Мазмун қурган сарой ва унинг чиройли аркалари ҳақида ҳам ёзиб қолдиради.

Гурганч Хоразмшохларнинг йирик маъмурий, савдо ва хунармандчилик маркази бўлиши билан бирга илм-фан, маданият бешиги ҳам эди. Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви ҳужжатига Кўхна Урганчнинг Чингизхон хароб этмасидан аввалги майдони 1300 таноб эканлиги, шаҳарда 1000 та сиеҳпуруш, 1400 саҳоб, яъни муқова қиладиган, 1500 та бугдой сотадиган, 2600 та гўшт-мой, 5500 та нон дўкони, 444 та мадраса, 12000 жоме масжиди, 4700 та кичик масжид, 12000 хонақоҳ бўлганлиги қайд қилинади. Келтирилган рақамларни қиёс этиб кўрсак, XII аср ва XIII аср бошида Хоразмшохларнинг маъмурий маркази Урганч — жуда кўп аҳолиси бўлган, илм-фан, маданият, савдо ва хунармандчилик юксак ривож топган Осиёнинг йирик шаҳри бўлганлигига гувоҳ бўлаемиз.

Ибн ал-Фақих ва ал-Муқаддасийлар Хоразм халқи ҳақида: «...Булар ҳеч қачон бош эгмайди, ҳаммадан кўра кўпроқ фидойиликка мойил қишлоқлардир. Одамлари зукко-зийрак, билимдон, фикрни билишди, истеъдодли ва маърифатлиқлар» деб ёзади. Шу боис ҳам бу халқ мўғуллар босқинидан сўнг бир асрга яқин вақт ўтган (XIV аср) она юртини харобаланд қўқаради. Урганч яна йирик маданий марказга айланади.

1333 йил январда Хоразмда бўлган машҳур араб сайёҳи Ибн Баттута бу ўлка ҳақида шундай деб ёзган эди: «Бу — туркий халқлар-

нинг энг улуг, энг ғўзал, энг йирик шаҳри бўлиб, ажойиб бозорлари, кенг кўчалари, кўп қабил иншоотлари ва хушманзара жойлари бор. Шаҳарда аҳоли кўпчилигидан ҳаёт қайнади, гўёки у мавжлаб турган денгизга ўхшайди...» Шунингдек, тарихнавис Ибн Арабшоҳ ҳам ўзининг «Ажойиб ал-Мақдур фи тарихи Таймур» асаридан шундай хабар беради: «Ушбу шаҳарларидир... У фозил қишлоқлар жам бўладиган, уламолар манзил тутган, зарифлар ва шоирлар макони, адиб ва улуг қишлоқлар чашмаси, иззат-икромли улуглар тоғининг қони, ҳақиқат изловчи қишлоқ денгизининг манбаи эди», дея таърифлади.

Мухтасар айтганда, Хоразм ўлкаси Хоразмшохлар сулоласи, айниқса Ала ад-Дин Такаш ва Ала ад-Дин Мухаммад ҳукмронлиги даврида буюк давлатга айланган. Урганч шаҳри эса илм-фан, савдо, савдо-сотик ва хунармандчилик соҳасида мусулмон шарқида юксак даражага кўтарилди. Эришилган бундай ютуқларда эса, шубҳасиз Маъмун академиясининг ўтмишидаги роли, қолаверса унда таълим олган илм аҳли авлодларининг хизматлари катта эди, дейиш мумкин.

(Давоми бор) **Отамурад ҚЎШЖОНОВ,** тарих фанлари номзоди

Тақдимот

«ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕКISTON МИНИАТЮРАСИ»

Яқинда Миллий матбуот марказида Шохалил Шоёкубовнинг «Замонавий Ўзбекистон миниатюраси» деб номланган китоб-альбомининг тақдимоти бўлиб ўтди. Ушбу китоб «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйида юқори сифатли қилиб босмадан чиқарилган. Шунингдек, қандайдир лозимки, мазкур альбом Москвада ўтказилган дунё китоблари халқаро кўргазмасида 1-ўринга сазовор бўлган эди.

«Ушбу китоб-альбомда мамлакатимизда миниатюра санъатининг юз йиллардан сўнг тикланиши, мустақиллик йилларидаги ривож, бу борада эришилган ютуқлар ҳақида мисоллар орқали ҳикоя қилинади. Китоб ўқувчини Шарқ миниатюраси санъати тарихи ҳамда етишиш чиқарган миниатюрачи

санъаткорлар ва уларнинг асарлари билан таништиргани ҳолда ушбу соҳа мутахассислари ва Ўзбекистон миниатюра рангасвири билан қизиқувчилар учун қўлланма бўлиб хизмат қилади», — дейилади унда. — Китоб матнлари ўзбек, рус ва инглиз тилларида берилган бўлиб, уни тайёрлашни кўп йиллардан буён орзу қилиб юрадими, — дейди муаллиф Шохалил Шоёкубов. — Ушбу орзумга етишиш мақсадида бир неча мамлакатда сақланаётган ўзбек миниатюрачиларнинг асарларини бориб кўрдим. Ҳаммасларим билан жуда кўп изландик. Натихада бадиий меросимизнинг ана шундай ғўзал намунасини яратиб эришдик.

Маъмуристон МАЪМУД, «Ўзбекистон овози» мухбири

Ҳикматлар сандигидан

ДОНОЛАР САЛОМАТЛИК ҲАҚИДА

- Қоринг оғриси, нафсингни тий, кўзинг оғриси қўлингни.
- Саҳат тиласанг кўп ема, иззат тиласанг кўп дема.
- Соғлиқнинг қадрига хаста бўлмасдан бурун ет.
- Соғом палакдан ширин қовун унади.
- Тани соғлиқ — туман бойлик.
- Халқ соғлиги — юрт бойлиги.
- Соғлиқ — бойлигинг.
- Соғлиқда хўрлик йўқ.
- Тан саломати — жон роҳати.
- Тотли ҳаёт — тани соғлиқда.
- Соғ одамга Сукрот на ҳожат.
- Соғ қуш донин топиб ер, соғ эр ноини.

Тўпловчи Юнус ЗИЁДОВ

Жиноятга жазо муқаррар

НАЙРАНГБОЗ ҲУҚУҚШУНОС

ЁКИ БИР АДВОКАТЛИК ФИРМАСИ РАҲБАРИ БОШЧИЛИГИДА УЙ-ЖОЙ СОТИБ ОЛМОҚЧИ БЎЛГАН ФУҚАРОЛАР ЧУВ ТУШИРИЛГАНИ ХУСУСИДА

Фирибгарнинг турли найрангларидан ҳаммамиз ҳазар қиламиз. Узгалар ишончига кириб, ваъдалар бериб, сўнг уларни алдаб, лақиллатиб кетиш — уларга хос хурмача қилиқ. Лекин ҳар қандай ёлгоннинг бир кунмас бир кун миси чиқиб, найрангбознинг қилмишлари фош этилади, ўзи эса эл ичиде шарманда бўлади.

Саодат Ҳақимова — олий маълумотли ҳуқуқшунос. У пешона тери эвазига топилган ҳалол пул билан эмас, фирибгарлик билан бойлик орттиришни ўзига одат қилди... М.Норқулова 2004 йилнинг май ойида ўзи яшаб турган Навоий шаҳридаги Ломоносов кўчаси, 3-уй, 27-хонадонни сотиб, янги уй олиш мақсадида «Кимёхон» хусусий адвокатлик фирмасига мурожаат қилади. Фирма раҳбари С.Ҳақимова унга Низомий кўчаси, 2-уй, 4-хонадонни тақлиф этади. Харидордан савдо сифатида 300.000 сўм олади. Уйнинг нархи 4.000.000 сўмга баҳоланади. Арзон нархдаги тўрт хонали уйни қўлдан чиқаришни истамаган М.Норқулова ўзи яшаб турган уйни 4.800.000 сўмга сотади ва С.Ҳақимовага кўнгирок

қилиб, пул тайёр эканлигини айтади. Орадан чамаси ярим соатлар ўтиб М.Норқулованинг ёнига С.Ҳақимованинг шериклари Латофат ва Зуля исми аёллар келиб, ундан 3.700.000 сўмини олиб, аввал гаров тариқасида берилган 300.000 сўм билан қўшиб «4.000.000 сўм пул олди» мазмунда тилхат ёзиб берилади. Лекин унинг ҳужжатларини топширишмайди. Шундан сўнг М.Норқулова кўп мартаба С.Ҳақимова ва Л.Абдиназаровага уй ҳужжатларини расмийлаштириб беришларини сўраб мурожаат қилади. Елгон ваъдалар билан М.Норқулованинг кўйини пуч ёнғоққа тўлдириб юрган «ҳожатбарорлар» бу орада унга янги уй тақлиф этишди, лекин унинг ҳужжатларини ҳам беришмайди. Орадан анча вақт ўтиб, М.Норқулованинг ёнига Зуля, унинг олпаси Лола ва таниши Ольга Нарқулова келиб, уй масаласида ёрдам беришмоқчилигини айтади. Харидор кети йўқ ваъдалардан безган бўлса-да, чикмаган жондан умид дея яна бир неча уйлари бориб кўради. Фирибгарликда устаси-фаранг аёллар бу вақт оралиғида хали йўқ уйга жабрдийда харидордан яна 1.286.000 сўм пул олишга ҳам

улгурадлар. Шундай қилиб, С.Ҳақимова бошлиқ фирибгарлар М.Норқулованин жами 5.286.000 сўм олиб, шундан 750.000 сўмини қайтаришган холос. Оқибатда, М.Норқулова уй-жойсиз қолиб, қариндошлариникида яшаб туришга мажбур бўлган. Урганган кўнгил ўртанса кўймас деганларидек, фуқаро Т.Ҳамроевага Навоий шаҳридан уй олиб беришни ваъда қилиб аввалига 1.000.000 сўм, кейинчалик яна 200.000 сўм олган С.Ҳақимова харидорга на уй олиб беролган ва на пулини қайтарган.

Найрангбоз ҳуқуқшуноснинг тузоғига илинган яна бир жаблинучи С.Асатовадир. Аввалига ундан 1.300.000 сўм, кейинчалик ҳужжатларни расмийлаштириш мақсадида 300 АҚШ долларини олган С.Ҳақимова турли баҳоналар қилиб, унинг каттагина оиласи билан ҳам пулсиз, ҳам бошпанасиз қолиб кетишига сабабчи бўлган.

Соғиқ «Кимёхон» адвокатлик фирмаси раҳбари ҳаром лўқма бир кунмас бир кун башибериб тешиб чиқиниши ағлаб етмади чоғи, миллион-миллион пул топши илнжиде кўпгина одамларга фириб бериб келди. Лекин ҳар бир ишининг охири бор.

Бугун суднинг қора курсида, эл олдида юзи шувут бўлиб ўтирган аёлларга қараб туриб, эсиз дейсиз: кимдир уч фарзанднинг онаси, уларнинг бари қирқ ёшдан ошган.

Қонун ҳамма учун баробар. Ҳар ким қилмишига яраша жавоб беради. Жиноят ишлари бўйича Навоий шаҳар суди биносида юқориде номлари қайд этилган беш нафар аёл устидан очиқ суд мажлиси бўлиб ўтди. Аввал ҳам қатор жиноятлар содир этиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 72, 84, 168, 228-моддалари билан жазоланган, лекин бундан ўзига хулоса чиқармасдан яна қасддан фирибгарлик жиноятини содир этиб кўп қабил инсонларга зарар етказган фирибгарлар узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Халқимизда ўзганинг мулкидан ҳазар қилиш, омонатга хиёнат қилмаслик тушунчалари эъозланади. Бировнинг ҳақини ейишга уринган, ҳаром-харий йўл билан бойлик тўплашга қаратилган ҳаракатларни эса ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди.

**Бобошер ҚҮРБОНОВ,** Жиноят ишлари бўйича Навоий шаҳар суди судьяси

Спорт

ЎЗБЕКISTON — ҚАТАР — 2:0

футбол бўйича мамлакатимиз миллий терма жамоаси келгуси йили бўладиган Осиё кубоги финал босқичига йўлланмани қўлга киритди

2007 йили Таиланд, Малайзия, Индонезия ва Вьетнамда ўтказиладиган Осиё чемпионати саралаш баҳслари кеча поёнига етди. Мусобақанинг «F» гуруҳида иштирок этаётган Ўзбекистон миллий терма жамоаси сўнгги турда Тошкентда Қатар футболчиларига қарши майдонга чиқди.

Кейинги босқич йўлланмасини мuddатидан илгари ҳал қилган қатарликлар учун мазкур учрашув ўзига хос синов вазифасини ўтаб бериши лозим эди. Хабарингиз бор, у йилнинг 1-15 декабрь кунлари бўладиган XV Осиё ўйинларига айнан Доха (Қатар) шаҳри мезбонлик қилади. Мусобақа низомига кўра, қитъа олимпиадаси номини олган ушбу баҳсларда 23 ёшгача бўлган футболчилардан иборат терма жамоалар қатнашиши кўзда тутилган. Шу боис, бу ўйингача ўтказилган беш учрашувнинг барчасида ғалаба қозонган беш мураббий Жамолиддин Мусович шогирдлари юртимизга асосан XV Осиё ўйинларида иштирок этадиган таркиб билан ташриф буюрди.

Рақибларимиздан фарқли ўларок, Осиё чемпионати йўлланмаси масаласини сўнгги турда ҳал қилишга мажбур бўлган Ўзбекистон терма жамоаси беш мураббийи Валерий

Непомняший эса майдонга Андрей Фёдоров, Асрор Алиқулов, Максим Шацких, Виктор Карпенко сингари етакчи футболчиларни туширишдан бошқа чора топа олмади. Йўлланмани қўлга киритиш учун камда бир очкога эга бўлиши зарурлигини биринчи ўринга қўйган терма жамоа бош мураббийи тавақал қилмади. Кутилганидек, Қатар терма жамоасига қарши ҳамюртларимиз энг сара таркиб билан баҳс юритди.

Учрашувнинг илк дақиқаларидан ташаббусни ўз қўлларига олган вакилларимиз ҳужумкор ва чиройли ўйин намойиш қилдилар. Яқунда ҳисоб ҳам шунга яраша кўриниш касб этди — 2:0. Тўпларни ҳамюртларимиздан Леонид Кошелев ва Илёс Зейтулаевлар киритди.

Шундай қилиб, сўнгги турда Қатар футболчилари устидан муҳим ғалабага эришган Ўзбекистон терма жамоаси Таиланд, Индонезия, Малайзия, Вьетнам, Саудия Арабистони, Япония, Эрон, Хитой, Жанубий Корея, Австралия, Бирлашган Араб Амириклари, Уммон, Ироқ, Қатар вакиллари сингари 2007 йили ўтказиладиган Осиё чемпионати иштирокчилари қаторига қўшилди.

Эркин ХОЛБОБОВ



Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига! ТАШКИЛОТ ЯРИМ ЖУН МАТОЛАРИНИ

ҳарид этиш юзасидан очик тендер савдолари ўтказилишини эълон қиладди

Тендерда қатнашиш учун тақлифлар 2006 йил 15 декабрь соат 17.00 га қадар қабул қилинади.

Маълумотлар ва тендер ҳужжатларини олиш бўйича ҳар кун соат 9.00 дан 19.00 гача мурожаат этиши мумкин.

Телефон: 8 10 998 (3712) 55-76-72, 136-39-60, 55-85-03, 55-75-12.

Факс: 8 10 998 (371) 361-43-72, 361-43-73, E-mail: umtvs@uzpak.uz

Манзил: Ўзбекистон Республикаси, 700070, Тошкент шаҳри,

III.Руставели кўчаси, I-берк кўча, I-уй.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Ўзбек Миллий академик драма театри актрисаси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист

Римма Ашуровна АХМЕДОВАнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қариндош-уруғларига чуқур таъзия билдиради.

Table with multiple sections: BOSH MUHARRIR: Safar OSTONOV; TAHRIR HAY'ATI: Abdulla ORIPOV, Latif G'ULOMOV, Asliddin RUSTAMOV, Bobir ALIMOV, Turobjon JO'RAYEV, Feruz NAZIROV, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Baxtiyor DO'SJONOV, Farruh HAMROYEV; MUASSIS: O'ZBEKISTON XALQI DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI; BO'LIMLAR: Siyosat, partiya va xalqaro hayot; Ma'naviyat va ma'rifat; Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot; Parlament va huquq; Ekologiya va salomatlik; Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik; Xatlar va ommaviy ishlar; Reklama va e'lonlar; VILOYAT MUXBIRLARI: Andijonda; Buxoroda; Gulistonda; Jizzaxda; Navoiyda; Namanganda; Nukusda; Samarqandda; Urganchda; Farg'onada; Termizda; MANZILIMIZ: 700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.